O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 18-aprel • Shanba • 46 (29.007) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сиёсий партия амалий ишлар билангина одамлар ишончини қозониши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПАЛИКЛАР ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТДИ

Францияда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди

Аввал хабар берганимиздек, ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида «Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати» кўргазмаси очилди ва унда ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхоналар раҳбарлари, сенаторлар ва депутатлар, Париж шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Франция сиёсий, ишбилармон, маданий ва ижтимоий доиралар вакиллари қатнашди.

9 апрель Франция пойтахтида ана шу тадбир доирасида «Дунё цивилизациясининг ривожида Тошкентнинг тутган ўрни» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхоналар раҳбарлари ва мазкур ташкилот котибияти ходимлари, европалик олимлар, Франция маданият вазирлиги, илмий-ижтимоий доиралар вакиллари иштирок этди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Л.Тиллаева, ЮНЕСКО бош директорининг вакили П. де Гуштенийер, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

ЮНЕСКО бош директори К.Мацуура номидан П. де Гуштенийер анжуман иштирокчиларини қутлади ва «Бугун Тошкент дунёнинг икки йирик цивилизацияси — Европа ва Осиёнинг стратегик чорраҳасида жойлашган мамлакатнинг замонавий пойтахти ҳисобланади. Қулай жўғрофий жойлашуви ва ажойиб иқлими уни Буюк ипак йўлининг мафтункор шаҳарлари қаторига қўшади. Бугунги анжуман маданиятлараро мулоқотларнинг давомийлигидан далолатдир», — дея таъкидлади.

Маърузачи Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби ўнлаб олимлар ва мутафаккирларнинг асосий ва амалий фанлар ривожига қўшган бебаҳо улуши ҳамда умумэътироф этилган ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Юбилейнинг ўтказилишига ЮНЕСКО томонидан шу кунга қадар ўтказилган ва режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида тўхталиб, П. де Гуштенийер ташкилотнинг Ўзбекистонда олиб борадиган тарихий ёдгорликлар ва маданиятни сақлаш, фан ва таълимни ривожлантириш борасидаги фаолияти давом этишини қайд этди.

Анжуманда Ф.Грене, Б.Лионне, К.Рапен, П.Шувен, В.Фурнье, Ж.Фусман каби таниқли француз олимлари ўз маърузалари билан сўзга чиқишди. Шунингдек, унда Д.Алимова, Н.Ҳабибуллаев, М.Филанович, А.Аҳмедов каби ўзбекистонлик олимларнинг ҳам маърузалари тингланди.

2-б

Аввал хабар берганимиздек, 2009 йил 15 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш аъзолари билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП депутатлари, минтақавий партия кенгашлари раислари, партия фаоллари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари, вилоятлардаги мухбирлари иштирок этди.

❖ ЎзХДП: устувор вазифалар

ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАР

партиямиз электорати манфаатига хизмат қилади

Пленумда 2009 йилда мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол иштирокини таъминлаш, партия Дастурига ўзгартириш киритиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг ҳисоботи ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Латиф ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида илгари сурилган ғоялар, таклифлар, Инқирозга қарши чоралар дастури миллий иқтисодиётни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун янги имкониятлар очади. Ушбу ҳужжатларда баён қилинган қоидалар партиямиз сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг барча семинарларида кенг ўрганилмоқда, тарғиб этилмоқда. Партиямиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари олдини олиш ҳамда Ўзбекистоннинг изчил, барқарор ривожланишини таъминлаш борасида мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ва аниқ мақсадли ишлардан четда турмайди албатта. Шу сабабли, бу борада партиямизнинг сиёсий нуқтаи назарини яна бир бор аниқлаб олиш ва энг аввало, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги депутатлик бирлашмаларимиз орқали Ўзбекистон ХДП устувор вазифаларини амалга оширишда фаол ва самарали қатнашишни таъминлаш чораларини кўриш талаб этилади.

Шу муносабат билан партиямизнинг марказий органлари, маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари олдида турган муҳим вазифаларни аниқ белгилаб олмоғимиз зарур.

Биринчидан, инқирозга қарши дастур партиямиз электорати манфаатларига тўла мувофиқлигидан келиб чиқмоқ зарур. Шундай экан, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб, дастурнинг асосий қоидаларини партия электорати орасида тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз керак.

2-бет

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Поп туманидаги «РАУ-ТОМ» Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонасида асосан калиш тайёрланади. Ўтган йили корхонада 1 миллиард 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 50 минг доллар қийматдаги маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган. Айни кунларда 160 нафар қишлоқ аҳолиси меҳнат қилаётган қўшма корхонада ҳар куни 2200 жуфт сифатли пойабзал тайёрланмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга хорижда ҳам талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Биргина Афғонистоннинг ўзи бир миллион жуфт пойабзал етказиб беришга буюртма берган.

Корхонада ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун яқинда хориждан янги замонавий технология олиб келиб ўрнатилди. Бунинг натижасида ишни икки сменада ташкил этиш имкони яратилди. Шу билан бирга, 30 та қўшимча янги иш ўрни яратилди. Корхона мутахассислари резина этиклар тайёрлашни ҳам режалаштиряпти.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ

Деҳқонободда қурилаётган калийли ўғитлар заводи ишга тушса, йилига 200 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқаради. Бу мажмуа қарийб 20 гектар майдонни эгаллайди. Келажакда кўплаб ёрдамчи иншоотлар, меҳмонхона, коллеж ва ётоқхоналари мавжуд бўлган «Ишчилар шаҳарчаси» ҳам барпо этилади. Темир йўл тармоғи ва электр узатиш тизими яратилади.

Қайта ишлаш мажмуаси қурилишида Хитойнинг «CITIC international» халқаро ҳамкорлик компанияси, Россия Федерациянинг «ЗУМК-Инжиниринг» масъулияти чекланган жамияти қатнашаяпти. Жумладан, қурилишда «Уралшахтастрой» корхонаси ва Ғарбий Урал машинасозлик концерни иштирок этяпти.

Тепақўтон кони негизидаги тоғ-тош бағридан хомашё чиқариш учун махсус техникалар керак. Оғирлиги 94 тоннадан ошадиган 2 та «Урал 20Р» русумли тоғ-кон комбайни келтирилди. Бу қудратли техникалар ёрдамида ер ости шахталарида қазишма ишлари олиб борилади, ўзиюрар вагонларда шахтадан хомашё ташқарига олиб чиқилиб, қайта ишлаш мажмуасига етказилади.

Яқинда воҳанинг бир гуруҳ мутахассислари Пермь вилоятига қарашли Салекамск шаҳрида иш ўрганиб, «Сильвинит» корхонасида амалиёт ўтаб қайтишди. Тепақўтон кони негизида барпо этилаётган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилишининг асосий босқичи қизғин тус олди.

Юнус УЗОҚОВ

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ ТУФАЙЛИ

корхона ривожланмоқда, маҳсулот турлари кўпаймоқда



Бугунги кунда замон талабларидан келиб чиқиб, маҳсулот турлари ва сифатини ошираётган корхоналар мамлакатимизда тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг маҳсулотлари ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорлар эътиборини тортмоқда.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

Самарқанддаги «Нафис» чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи очиқ акциядорлик жамияти ҳам ана шундай корхоналардан.

Мазкур корхонада 670 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Масса (лой) тайёрлаш, лойни қолиплаш, хумдон, каплес, бадиий безаш, бадиий санъат цехларида иш уч сменада ташкил этилган.

Рақамлар тили билан айтганда, корхона жамоасининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган йили 1 млрд. 556 миллион сўмни ташкил этди.

— Табиийки, изланиш, интилиш, ташаббускорлик бор жойда ўсиш-ривожланиш бўлади, — дейди жамият раҳбари Эркин Ҳошимов. — Жорий йилдан бошлаб янги маҳсулот — электр ускуналари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу маҳсулот тажриба-синовдан муваффақиятли ўтди, мижозларимиз сони ошди, кўплаб шартномалар тузилди. Маҳсулот тури кўпайиб, бугунги кунда 150 хилдан ошиб кетди.

Тўғри, изланиш, янгиликка интилиш фойда келтиради. Даромад бор жойда ишчи-хизматчиларнинг маоши ошади, ижтимоий ҳимояси таъминланади. Буни ушбу корхона мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб келаётган жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини мунтазам ошириш, мижозлар сонини янада кўпайтириш ҳисобига янги иш ўринлари кўпроқ яратиш, юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

БЎЛАЖАК ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАСКАНИ

Нукус шаҳрига кираверишда уч қаватли миллий меъморий услубда қурилган иморат бор. Бу ўтган йилнинг охирида фойдаланишга топширилган Нукус темир йўллари транспорти коллежи биносидир.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси буюртмаси билан 360 ўринли ўқув биноси қурилиши тез ва сифатли амалга оширилди. Қирқ ўринли ўқувчилар уйи, қирқ ўринли ошхона бугун ўғил-қизлар хизматида.

— Коллежимизда 14 ўқув хонаси, иккита лингафон, иккита чизмачилик ва битта компьютер хонаси бор, — дейди коллеж директори Озод Матиков. — Кимё, физика, биология лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс марказида 10 та компьютер бўлиб, улар интернетга уланган.

2008-2009 ўқув йилида биринчи курсга 180 нафар ўқувчи қабул қилинди. Янги ўқув йилида кўпроқ ўқувчилар қабул қилиниши режалаштирилган. Коллежда уч йўналиш — транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш, темир йўл вагонларига хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ЁШЛАР МАРКАЗИ

Жиззах вилоятининг барча туманларида ёшларнинг мазмунли дам олиши, ўз қобилияти ва салоҳиятини намоён этиши учун Ёшлар марказлари ташкил этилди.

Пахтакор тумани марказидаги бўш ётган бино қайта таъмирланиб, кўркам масканга айлантирилди. Бу ерда турли тўгараклар фаолияти ташкил этилиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Ёшлар маркази қошидаги ахборот-ресурс маркази фаолияти йигит-қизларга, айниқса, манзур бўлмоқда. 14 минг китоб фондига эга кутубхона замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган.

Марказда ёшлар тикувчилик ва хорижий тилларни чуқур ўрганишмоқда, ўнга яқин турдаги спорт тўгаракларида шуғулланишмоқда.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ

• ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Куни кеча ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон миллий матбуот марказида диний экстремизмнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

2-бет

• ЮРТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган ҳар бир чора-тадбир ўз мазмун-моҳияти билан қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтиришга қаратилган...

3-бет

• «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУБОГИ»: КАШФИЁТЛАР МАЙДОНИ

Пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича FILAнинг Golden Grand Prix туркумидаги «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» халқаро турнири ўтказилмоқда.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАР

партиямиз электорати манфаатига хизмат қилади

Иккинчидан, Инқирозга қарши чоралар дастури, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиш Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналиши бўлмоғи шарт.

Шунингдек, фракция ва депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти, тегишли давлат қарорлари ва дастурлари бажарилиши мониторингини олиб бориши, жойларда жамоатчилик назоратини таъминлашда партиянинг минтақавий ва маҳаллий кенгашлари маъсулиятини ҳам ошириш талаб этилади. Ушбу масалада партиямизнинг асосий сиёсий манфаати мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг норматив асосини ташкил этувчи давлат қарорлари аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишидан иборат.

Аслиддин РУСТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари:

— Фракциямизнинг ўтган йилдаги асосий фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш концепциясига мувофиқ ҳамда партиямиз Дастури асосида олиб борилди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг кучга кириши ўтган йилда фракция фаолиятининг янада жонланиши, аҳоли, электорат орасида олиб борилаётган ишлар сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Энг аввало, биз ўтган йил бошиданоқ Қонунчилик палатасининг асосий фаолият йўналишларига электоратимиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларига қаратилган қонунларни қабул қилиш бўйича қатор таклифлар киритдик. Қонунчилик палатасига киритилган қонунлар лойиҳалари фракциямизда атрофлича муҳокама қилинди, улар бўйича аниқ позициямизни белгиладик ва қатъий ҳимоя қилдик. Қонунчилик палатаси томонидан ўтган йилда 69 та қонун қабул қилинди. Уларни маромига етказишда фракциямиз ҳар бир аъзосининг муносиб ҳиссаси бор.

Ўтган йилда қабул қилинган қонунлар юзасидан 1600 дан ортиқ таклифимизни фракция номидан расмий равишда Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталарига киритдик. Мазкур таклифлар қонунларда ўз ифодасини топди. Ижтимоий аҳамиятга эга 15 дан ортиқ қонун лойиҳаси бўйича фракциянинг махсус ишчи гуруҳини тузиб, дастурий мақсадларимиздан келиб чиқадиган ҳамда лойиҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқдик, айрим моддаларни янги таҳрирда баён этишни таклиф этдик.

Депутатлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаб, қуйи палата муҳокамасига киритмоқда. Ҳозирги кунга қадар 7 та қонун лойиҳаси фракциямиз аъзолари иштирокида ишлаб чиқилди. Шундан 3 таси қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинди.

Таҳлиллар фаолиятимизни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Электорат манфаатларини, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада самарали ҳимоялаш учун партия ташкилотларимиз, маҳаллий депутатларимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш талаб этилмоқда.

Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:

— 2009 йил кўп жиҳатлари билан бошқа йиллардан фарқ қилишини барчамиз ҳис қилиб турибмиз. Жаҳонда кутилмаган воқеалар юз бериб, улар Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай шароитда партиямиз ўзининг аниқ ва қатъий позициясига эга бўлмоғи зарур.

Сиёсий партиялар фаоллашиб, рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда кўпроқ амалий ишлар билан одамларнинг ишончини қозониш, тарафдорларимизни кўпайтириш мумкин. Айни шу кунларда ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисоботсайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бундан кейин туман, шаҳар, вилоят партия ташкилотларининг конференциялари ўтказилади. Ушбу жараёнларни партия матбуотида кенг ва жонли ёритиш талаб этилади. Афсуски, газеталаримизда партиявий мавзудаги мунозаралар, ўз-ўзини танқид руҳи етишмаётганини тан олишимиз керак.

Партия нашрининг сўзи ўткир, таъсирчан бўлиши, тўғри, аввало, биз журналистларга боғлиқ. Айни чоғда партимиз фаоллари, депутатларимиз ҳам ўз фикрлари, позициясини матбуот орқали дадилроқ айтишга интилиши керак. Газетхонлар, электоратимиз вакиллари биздан шуни кутади.

Боймурод ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистон шароитида инқирознинг олдини олиш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларда партиямизнинг вазифалари нималарда кўринади? Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам кучли ижтимоий ҳимоя масаласи биринчи ўринга қўйилган. Биз бу борада бефарқ ва лоқайд бўлмаслигимиз лозим. Бизга берилган ваколатлардан унумли фойдаланиб, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар, ишсизлар, касб-ҳунар коллежларини битираётган йигит-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларида мониторинг ўтказиб, дастурда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Назира МАТЁҚУБОВА, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси:

— Йил бошида партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг энг асосий вазифалари, устувор йўналишларини белгилаб олгандик. Бунда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни жойларда самарали амалга оширилиши фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки ким нима дейишидан қатъи назар, электоратимиз манфаати йўлида маҳаллалар билан биргаликда ишлашимиз табиий ҳол.

Хотин-қизлар масалаларига ҳам эътиборни кучайтиришимиз зарур, деб ўйлайман. Чунки жамиятдаги янгиланиш ва ўзгаришларда, муаммолар ечимини топишда аёлларнинг роли катта. Қорақалпоғистон аҳолисининг 51 фоизи, ижтимоий соҳа ходимларининг 70 фоизидан ортиғи, партиямиз аъзоларининг 10 минг нафардан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Бу жуда катта куч. Ундан тўғри фойдаланиш жамият тараққиётида партиямиз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ҳамро ЭРМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

— Бугун сиёсий куч сифатида жамиятда ўз ўрнимиз, салоҳиятимизга эгамиз. 2006 йилда ва 2009 йилда вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволини яхшилаш масаласи халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди. Натижада 250 банддан иборат махсус дастур қабул қилинди. Ҳар бир туман бўйича алоҳида-алоҳида масалалар кўрсатилди. 2006 йил декабрь ойида бўлган сессияда белгиланган ишларнинг қандай бажарилгани, соҳага қанча чет эл инвестицияси киритилгани ҳақида ҳисобот берилди. Кўрсаткичлар бу борада вилоятда аҳвол анча яхшиланганини тасдиқламоқда. Барчаси батафсил муҳокама этилгандан сўнг, янги вазифалар белгилаб олинди. Бу билан барча муаммолар ҳал бўлди, деган фикрдан йироқмиз. Аммо, биз ўз вазифамизни адо этиб, электоратимиз, халқимизнинг бевосита манфаатлари билан боғлиқ ишларни жонлантиришга туртки бера олдик. Энди бундай фаолликни шаҳар, туманларга кўчириш ҳаракатидамиз. Яна шу нарса ҳам маълумки, ҳал этишимиз зарур бўлган ишлар анча кўп. Уларни амалга оширишни фақат Марказий Кенгаш, фракциядан талаб қилсак нотўғри бўлади. Ҳар биримиз ўз вазифамиз ва бурчимизни сидқидилдан бажаришимиз зарур. Ўз фаолиятимизга баҳо беришда танқидий ёндашмоғимиз керак.

Электорат манфаатларини қанчалик ҳимоя қила олаётганимизга қараб одамлар бизни қўллаб-қувватлаш ёки ёқламаслик масаласини ҳал этади. Буни асло ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, газетамизнинг Фарғона вилоятидаги мухбири:

— Партияни кучайтириш учун аввало, бошланғич ташкилотларнинг амалий фаолият кўрсатишини ташкил этиш талаб этилади. Одамлар орасига кириб бориш керак. Бу гап кўп гапирилган, яна гапирилади. Доимий равишда одамларга ҲДП мақсадларини тушунтириш керак. Қачонки биз ҳақимизда тўлиқ тасаввурга эга бўлса, мақсадларимизни англаса қўллаб-қувватлашади, хайрихоҳ бўлишади. Менинг фикримча, партия дастурий мақсадларини тарғиб қилишда етарли иш олиб бормаяпмиз. Тажрибамиз борлиги, ўз усулимиз мавжудлиги, тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини била туриб, ишларни жонлантирмаяпмиз. Айниқса, маҳаллий ОАВ имкониятларидан кам фойдаланаяпмиз. Мисол учун, биргина Фарғона вилоятида 6 та телевидение фаолият кўрсатади. Биттаси давлат, бештаси нодавлат телевидениеси. 70 дан ортиқ босма ОАВ мавжуд. Бошқа ҳудудларда ҳам нодавлат оммавий ахборот воситалари ривожланиб бормоқда. Аммо улар имкониятидан самарали фойдалана олаяпмиз, деб бўлмайди.

Беҳзод ШУКУРОВ, Ойбек ҚЎШБОҚОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига 2008 йилда келиб тушган ва сарфланган молиявий ва бошқа маблағларнинг

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Бажарилиш
I	**Тушумлар, жами**	**2524177,9**
	шу жумладан:	
1	Устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджети маблағлари	932144,3
2	Кириш ва аъзолик бадаллари	1133194,9
3	Молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар	439814,9
4	Юридик шахслар хайрия ёрдамлари	9362,8
5	Фуқаролар хайрия ёрдамлари	200,0
6	Бошқа тушумлар	9461,0
II	**Харажатлар, жами**	**2668920,7**
	шу жумладан:	
1	Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари	2161314,8
2	Партия аъзоларининг ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материаллари учун харажатлар	3034,0
3	Конференциялар ва қурултойлар ўтказиш харажатлари	18144,8
4	Партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари	16591,7
5	Мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари	148998,3
6	Ўзбекистон ХДП устав фаолиятини молиялаштиришга доир бошқа харажатлар	320837,1
III	**Ҳисобот давридаги молиявий натижалар**	**-144742,8**

2009 йил учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси бюджетининг

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

минг сўм

№	Даромад ва харажатлар моддалари	Режа
I	**Тушумлар**	
1	Устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджети маблағлари	1 394 550,0
2	Кириш ва аъзолик бадаллари	1 350 000,0
3	Молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар	672 892,6
4	Бошқа тушумлар	90 028,1
	Тушумлар, жами	**3 724 970,7**
II	**Харажатлар**	
1	Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари	2 780 817,5
2	Партия аъзоларини ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари	15 000,0
3	Конференциялар ва қурултойлар ўтказиш харажатлари	100 000,0
4	Партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари	30 000,0
5	Мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари	519 754,9
6	Ўзбекистон ХДП устав фаолиятини молиялаштиришга доир бошқа харажатлар	198 470,4
	Харажатлар, жами	**3 644 042,8**
III	**Даромаднинг харажатдан ортиқлиги**	**80 927,9**

✓ ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Куни кеча Тошкент шаҳар партия кенгаши томонидан Ўзбекистон миллий матбуот марказида диний экстремизмнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман партия кенгашлари фаоллари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

— Диний экстремизм, ақидапарастлик, жаҳолатга қарши курашишда ҳар биримиз фаол бўлмоғимиз шарт, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларига пухта билим ва ҳозирлик билан ёндашиш зарур. Бугунги кунда партиямиз бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этаяпти. Унда аъзолардан ташқари хайрихоҳлар, тарафдорларимиз, электоратимиз вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб турли диний оқимларга қарши тарғибот ишларини ҳам олиб бораяпмиз. Мақсад — уларнинг асл башараси, мақсадини фош қилишдан иборат.

— Дунёда диний-экстремистик ва террористик ташкилотларнинг фаолияти 1970-80 йиллардан фаол тус олган, — деди Тошкент ислом университети диншунослик кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди Неъматилла Муҳаммаджонов.

— Бу диний оқимларнинг тутган йўли ва мақсади мўътабар динимизга мутлақо ётдир, — деди Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов. — Бундай исёнкор оқимлар гирдобига тушиб қолганлар ўз тубан мақсади йўлида ҳатто ота-онасини ҳам аямайди. Террорчиларнинг иши фақат қирғинбаротлик ва жаҳолатдан иборатдир. Бундай ғаразли фосиқлар инсоният тинчлиги, осойишталигини бузишга, тараққиёт йўлидан қайтаришга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга, динимиз софлиги ва обрўйига зиён етказмоқчи бўладилар. Ислом сўзининг луғавий маъноси тинчлик, саломатлик, яхшилик деганидир. Биз ёшларга динимизнинг ғоят мўътабар ва холис, тўғри йўлга бошловчи дин эканини тушунтириб боришимиз зарур. Қолаверса, бундай адашган, бузғунчи ва исёнчи тоифалар кирдикорини атрофлича муҳокама этиш, зарарли қилмишлар моҳиятини англаш, ота-она фарзини мукаммал адо этишни ўргатиб бориш лозим. Ҳақиқий мусулмон киши тили билан ҳам, қўли билан ҳам ҳеч кимга озор бермайди. Нақшбанд бобомиз айтганидек, қалбинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлмоғи даркор.

— Бундай гуруҳларнинг фаолиятига қарши курашда ҳар биримиздан огоҳлик, сергаклик ва ўткир зеҳн талаб этилади, — деди Тошкент шаҳар ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари Низомиддин Бахтиёров. — Жойларда ижтимоий-сиёсий, диний вазиятнинг доимий мониторинги ва таҳлилини мунтазам олиб бориш, унинг вазият барқарорлигини таъминлаш бўйича мутасадди ташкилот ва идоралар орасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилаяпти. Ўқув муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, айрим жойларда алоҳида уйларда ноқонуний диний таълим бериш ҳолатларига барҳам бериш, таълим муассасаларида «Тинчлик — энг олий неъмат», «Исломда экстремизм ва терроризмга ўрин йўқ», «Диний-экстремистик оқимлар – давлат ва жамиятга таҳдид» каби мавзуларда давра суҳбати, семинар-машғулотлар ўтказиш зарур.

Давра суҳбати иштирокчилари, айниқса, ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПАЛИКЛАР ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТДИ

Тадбир якунида профессор Ф.Грене анжуман ишини сарҳисоб қилар экан, унинг ташкил этилиши ва маърузалар мавзуларига юқори баҳо бериб, анжуман шарқнинг ҳақиқий дурдонаси ва йирик шаҳри бўлган Тошкентнинг шаклланиши ва ривожланиши масаласига нафақат ЮНЕСКОнинг, балки Европа олимларининг ҳам эътибори юқорилигини намоён этишини таъкидлади.

Бўлиб ўтган анжуман ҳақида Франциянинг бир қатор етакчи олимлари ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

«Les Milieux des Empires» нашрининг бош муҳаррири Сильвия д'Изарнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКОнинг штаб-квартирасида анжуман ташкил этилиши жуда катта воқеа бўлди. Биз бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланган қадимий Тошкентнинг тарихи ҳақида жуда кўп маълумотлар олдик. Бебаҳо тарихий ўтмишга эга бўлган Тошкент Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида замонавий қиёфадаги мегаполиса айланмоқда».

«Де Франс» коллежи профессори Ж. Фусман ўз мулоҳазаларини шундай ифодалайди:

«Тошкентда ўтказилган археологик тадқиқотлар ушбу шаҳарнинг қадимдан фан, илм ва маърифатнинг минтақавий марказига айланиб келганини кўрсатади.

Ўзбекистон пойтахтининг шакллантирилиши асосан мустақилликка эришилганидан кейин келажакка мўлжалланган аниқ архитектура лойиҳаларига мос равишда амалга оширилаётганига бугун барчамиз гувоҳмиз. 2200 ёшга кираётган Тошкент XXI асрда ҳам сиёсий, иқтисодий ва меъморий жиҳатдан асосий минтақавий марказ бўлиб қолиши шубҳасиздир».

Франция олий таълим вазирлиги ижтимоий тадқиқотлар олий мактаби профессори, мамлакатнинг Марказий Осиё бўйича тадқиқтотлар институти (IFEAC) собиқ директори В. Фурньенинг фикрига кўра, «Бўлиб ўтган анжуман Франция ва Европанинг ижтимоий, илмий-академик доираларининг Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунига қизиқишининг мунтазам ортиб боришини яна бир бор намойиш қилди.

Тошкентда бир неча йил яшаган давримда мен Ўзбекистонда турмуш фаолиятининг барча жабҳаларидаги улкан янгиланишларнинг гувоҳи бўлдим. Тошкент ҳақиқатдан ҳам дунё цивилизациясининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Амалга оширилган археологик топилмалар ушбу ҳақиқатни тасдиқлайди. Айни пайтда Тошкент Марказий Осиёдаги энг ривожланган мегаполислардан бири саналишга ҳақли бўлган навқирон ва замонавий шаҳар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврида маданий меросга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганига ёрқин гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий маданияти айнан мустақиллик йилларида муносиб баҳоланди. Бу мамлакатда бўлиб ўтган кенг кўламли ижтимоий ва маънавий ўзгаришлардан гувоҳлик беради. Аҳоли ўз дунёқарашининг шаклланишида тарихий-маданий илдизлар билан биргаликда замонавий ижтимоий-маданий қадриятларга амал қилиши табиий ҳолга айланди».

Тадбирлар доирасида ЮНЕСКОнинг штаб-квартирасида Ўзбекистон санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди. 10 апрель Парижда католикларнинг диний айёми — дам олиш куни бўлишига қарамасдан, ЮНЕСКОнинг катта маросимлар зали томошабинлар билан тўлди.

Концертда ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхоналар раҳбарлари, сенаторлар ва депутатлар, Париж шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Франция сиёсий, ишбилармон, маданий ва ижтимоий доиралар вакиллари, Франция — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси аъзолари ҳамда мамлакатимиз маданиятига ихлосманд кишилар қатнашди.

Концертнинг очилиш маросимида ЮНЕСКОнинг масъул ходими Т.Вагнер хоним сўзга чиқиб, Тошкент шаҳрининг юбилейи доирасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати» кўргазмаси ва Тошкентнинг дунё цивилизациясида тутган ўрнига бағишланган анжуманни юқори баҳолади.

Т.Вагнер хоним ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган дунёга машҳур ўзбек анъанавий мусиқаси — Шашмақом ташкилотнинг устувор лойиҳаларидан бири ҳисобланишини таъкидлади. «ЮНЕСКО Ўзбекистон ҳукумати томонидан маданий меросни сақлаш борасида амалга оширилаётган муҳим тадбирларни қўллаб-қувватлайди ва ушбу саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон билан бирга эканлигидан фахрланади», — деди Т.Вагнер хоним.

Ўзбек санъаткорларининг ҳар бир чиқиши олқишлар ва гулдурос қарсаклар билан қарши олинди. Концертдан баҳраманд бўлган барча томошабинлар ўзбекистонлик ижрочиларнинг санъаткорона маҳорати ва ёрқин истеъдодлари, ранг-баранг миллий саҳна либосларига нисбатан ҳайрат ва ҳаяжонларини яширишмади. Ёш ўзбек мусиқачиларининг моҳирона ижроси ва қобилиятлари намойиши алоҳида эътироф этилди.

Бурбон маликаси: — «Ўзбекистон санъаткорлари ижросидаги концерт томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Бугунги томоша Ўзбекистоннинг бой маданияти улуғвор ва юксак эканлигини намойиш этди. Қувонарлиси, мамлакатингизда ҳақиқатдан ҳам фахрланишга арзийдиган ёш истеъдод соҳиблари мавжуд. Тадбирдан олган таассуротларимни бир сўз билан Ўзбекистон европаликларнинг қалбини забт этди, деб айтишим мумкин».

Франциянинг «Мусиқа санъати» уюшмаси вице-президенти Э. Шувалье ўз ҳайратини шундай ифода этади: «Мен ЮНЕСКОнинг турли мамлакат вакиллари томонидан уюштириладиган кўплаб маданий тадбирларида иштирок этиб келаман. Уларнинг ҳар бири мусиқийлиги, маҳорат ва тарихийлиги нуқтаи назаридан ўзича қизиқ. Лекин ростини айтсам, бутунжаҳон маданият уйида ўзбек санъаткорлари томонидан ижро этилган бундай ранг-баранг концерт дастурларини мен шу пайтгача кўрмаганман.

Биринчидан, бугунги ўзбек усталари концертига келган томошабинларнинг сони мени ҳайратга солди. Мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланган ЮНЕСКОнинг марказий зали илгари бугунгидай тўлиб тошмаган.

Иккинчидан, концерт дастури жуда оқилона ва пухта ўйланган ҳолда, анъанавий-мумтоз ва замонавий куй-қўшиқларнинг қизиқарли силсила тарзда кетма-кетлиги тартибида тузилган.

Учинчидан, саҳнанинг безатилиши ва санъаткорларнинг ёрқин саҳна либослари бирдан эътиборингизни тортади. Буларнинг барчаси ва албатта, мусиқачиларнинг моҳирона ижролари, анъанавий-мумтоз қўшиқлар ва рақслар концерт давомида томошабинларда чинакам завқ уйғотди.

Мен Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, бироқ афсуски, ҳали юртингизда бўлмаганман. Менда болалигидан санъатга, мусиқага меҳр қўйган, миллий анъаналарини авайлаб асрайдиган ва ўзининг санъаткорона маҳорати ва қобилияти билан бутун дунёни ҳайратга солган худди бугун кўрганим каби истеъдодлар улғаядиган Ўзбекистонга бориш учун қатъий истак пайдо бўлди».

«Жаҳон» АА,
Париж

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЮРТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳар бир инсон ўз қобилият ва имкониятини рўёбга чиқариши учун зарур бўлган барча шароитларни таъминлаш ҳамда муносиб турмуш тарзини яратишдан иборатдир.

Фуқароларимизнинг аксарият қисмини қишлоқ аҳолиси ташкил этишини ҳисобга олсак, Ватанимизнинг тараққиёти кўп жиҳатдан қишлоқларнинг ривожланиши ва келажаги билан боғлиқ эканлигини англаш қийин эмас. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳаётини замонавий мезонлар даражасига кўтариш, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан тасдиқланган **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** Давлат дастури ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутиши шубҳасиз. Давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, фермерлик ва тадбиркорлик тузилмалари, кенг жамоатчиликнинг тавсия ва таклифлари ҳар томонлама инобатга олинган мазкур Давлат дастури қуйидагича йўналтирилган:

— қишлоқ аҳолисининг манфаатларини тўлиқроқ таъминлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш;

— қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

— ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш. Айниқса, бориш қийин бўлган ва олис қишлоқ аҳолисини телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси билан қамраб олинишини амалга ошириш;

— мамлакатнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш;

— қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқда шакланаётган янги мулкий муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни бажариш асосида тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш;

— қишлоқда саноат ишлаб чиқариш ва қурилишни янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш. Шу асосда қишлоқ аҳолиси, энг аввало ёшлар ишга жойлаштирилишини, уларнинг даромадлари оширилишини таъминлаш ва ҳоказо.

Хусусан, Давлат дастурида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида жорий йилда қишлоқ жойларда умумий майдони 7100 минг кв. м. уй-жойни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Қолаверса, қишлоқда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат даражасига кўтариш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланган.

Одамлар соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим тизимини янада ривожлантириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш ва қишлоқ жойларда мактаблар, касб-ҳунар коллежларининг моддий базасини мустаҳкамлаш Давлат дастури вазифалари қаторидан ўрин олган.

Энергия таъминотининг мавжуд объектларини реконструкция қилиш ва янги объектларини қуриш ҳисобига қишлоқни зарур энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш юзасидан Давлат дастурида қайд этилган вазифалар ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Хусусан, ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, узунлиги 2558,3 км., қуввати 35-110 кв бўлган мавжуд электр таъминоти тармоқларини мукаммал таъмирлаш, узунлиги 14,42 км., қуввати ВЛ 0,4-10 кв бўлган қишлоқ тармоқларини реконструкция қилиш, жойларда узунлиги 271,1 км. бўлган, шу жумладан, 115,5 км. юқори босимли газ қувурларини, 155,6 км. ўртача ва паст босимли газ қувурларини мукаммал таъмирлаш мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган ҳар бир чора-тадбир ўз мазмун-моҳияти билан қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтиришга қаратилган бўлиб, юртимизнинг янада обод, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига хизмат қилиши муқаррардир.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

❖ Қонун ва ижро

САЛОМАТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Республикадаги мавжуд 24 та силга қарши курашиш тиббий муассасалари, жумладан, 9 та диспансер, 5 та туман бўлимлари, 7 та силга қарши курашиш хоналари ва 1 та болалар санаторийси, 2 та шифохона, шунингдек, Халқ таълими вазирлигига қарашли 7 та мактабгача таълим муассасалари ва битта мактаб интернати аҳоли орасида ушбу касалликнинг олдини олиш ҳамда уни даволаш учун самарали хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида сил касаллигига чалинган беморларни даволашга ихтисослашган муассасаларда ўринлар сони 1700 та бўлиб, шундан 1450 таси стационар даволаш ва 250 таси санаторий ўринларидир.

Бинобарин, 2003 йили сентябрь ойида «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистондаги ижроси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари гуруҳи томонидан атрофлича ўрганилиб, қатор таклиф ва тавсиялар берилганди. 2003-2007 йиллар давомида ушбу тавсиялар бўйича аҳоли орасида сил касаллигининг олдини олиш ва унга чалинган беморларни дори-дармонлар билан таъминлаш, хасталикни даволашга ихтисослашган касалхоналар моддий-техник базасини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар изчил олиб борилмоқда. 1-сон Республика силга қарши курашиш диспансери биноси, канализация ва сув билан таъминлаш тизими реконструкция қилинди. Шунингдек, энг замонавий тиббий-диагностика ускуналари билан таъминланди.

«Сил ҳолати назорати ва юритилишининг электрон тизими» жорий этилиб, диспансернинг ахборот коммуникация тизими такомиллашди. Бу мақсадлар учун 55903 АҚШ доллари ва 47 миллион сўм «Чегарасиз шифокорлар» халқаро нодавлат-нотижорат ташкилоти маблағлари, 12 миллион сўм бюджетдан ташқари, 34 миллион сўм бюджет маблағлари сарфланди. Сил касаллигига ташхис қўйиш лабораториялари ва рентгено-флюрокабинетлар учун тиббий техника воситалари олинди.

Республикада 1998 йилдан бошлаб, ЖССТ тавсия қилган сил касаллигини (бевосита назорат остида) қисқа кимётерапия курси усули билан даволаш (ДОТС стратегияси) амалга оширилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида 2003-2007 йиллар давомида сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи 39,6 фоиздан 23,8 фоизгача камайишига эришилди.

Бугунги кунда соҳада 140 нафар мутахассис шифокор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 нафари олий тоифали, 30 нафари биринчи тоифали. Зина Избосарова, Арухан Есбўганова, Бердибек Реимов, Тўлибой Отабоев каби шифокор-фтизиаторларимиз беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Шунингдек, Ли Екатерина, Минайхон Жуманазарова, Тозахон Бекбаулиева, Умида Жолдасова, Халипа Туремуратова каби ўнлаб ҳамширалар хизматларидан беморлар миннатдор.

Мутахассис сифатида бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Аҳоли орасида сил хасталигига чалинган беморларда саросимага тушиб қолиш кайфияти йўқ эмас. Баъзилар бу дарддан фориғ бўлиш қийин деб ўйлайдилар. Шуни унутманг, сил давосиз хасталик эмас, фақат уни мутахассис шифокор назоратида, унинг тавсияларига амал қилиб муолажа қилиш керак, холос. Ҳар бир хонадонда, маҳалла, олийгоҳ, мактаб, академик лицей, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш эса — хасталикдан ҳимояланишнинг бош омилидир.

Дарибой ДОШЕТОВ,
Нукусдаги Республика 1-силга қарши курашиш диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

«Бухоро-Регистон» ихтисослаштирилган аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги Бухоро шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида 2009 йил 21 май куни соат 16.00 да ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф қилади.

Савдоларга: Бухоро шаҳар Моҳитобон кўчасида якка тартибда уй-жой қурилиши учун мўлжалланган, майдони — 400,0 м² дан иборат 3 та ер участкаси мерос қилиб қолдириш шарти билан кимошди савдосига қўйилади. ***Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 3 998 480 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини аукцион ташкилотчиси ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: ҳ/р: 20208000304349413001, АТИБ Ипотека банк «Сардор» филиали, Бухоро ш., МФО: 00119, СТИР: 205201183, аризалар ушбу эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб қабул қилиниб, аукцион савдосига 3 кун муддат қолганда (2009 йил 18 май, соат 16.00 да) тўхтатилади. Голиблар билан олди-сотди шартномасини тузиш муддати — 20 кун, сотилмаган мулклар 2009 йил 4, 18 июнь ва 2, 16 июль кунлари такрорий савдоларга қўйилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил:
Бухоро шаҳри, Академик И.Мўминов кўчаси, 2-уй, 1-қават, 11-хона (Бухоро шаҳар ҳокимлиги биноси).

Телефон/факс: (8-365) 223-25-67, 223-72-88, веб.сайт: www.molotok.uz.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2009 йил 6 апрелдаги ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди.

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ОКПО	Хўжалик судининг ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши қуйидаги кунда ва соатда кўрилади.	
1	ARSVIR	МЧЖ	200900354	20.02.95	71 (002253)	15686760	10-0921/5572	Я.Раҳимов	28.04.09	10:00
2	OAZIS-BIZNES	МЧЖ	203266895	01.05.00	575	17705816	10-0921/5573	Я.Раҳимов	28.04.09	10:00

Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 27 апрелда соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани ДСИ биноси, Нукус кўчаси, 23-а уй, 607-хона.

Банкротлик иши 2009 йил 28 апрелда соат 10.00 да, Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 23-уйда, Миробод тумани ДСИ биносида судья Х.Жалилов томонидан кўрилади.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Янгийўл шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркада 27 корхона ва ташкилот, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 400 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 150 дан ортиқ фуқаро шаҳар ва тумандаги турли ташкилотларда ишлаш учун йўлланма олди.

— Мен шаҳримиздаги коллежни радиомеханика йўналиши бўйича битириб, ўз касбим бўйича иш излаётган эдим, — дейди янгийўллик Р.Фозилов. — Меҳнат ярмаркасида менга уч-тўрт жойдан иш таклиф қилинди. Айни пайтда шаҳардаги «Сувоқава» ташкилотига ишга жойландим.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2009 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб топилган ҳамда уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		КТУК (ОКПО)	Хўжалик судининг «банкрот» деб топилган қарор рақами ва санаси		Тугатиш бошқарувчиси
1	HALOL BIZNES PLUS	МЧЖ	300596904	22.10.07	002826-03	22103835	10-0913/5156	14.04.09	Я.Раҳимов
2	LIGYT-KRISTAL	МЧЖ	205794974	25.08.05	001094-03	20389218	10-0913/5157	14.04.09	С.Р.Абдураҳимов
3	PAINT-TRADE-BUSINESS	МЧЖ	206163982	28.02.06	001378-03	20662542	10-0913/5158	14.04.09	Я.Раҳимов
4	SHARQ MEVASABZAVOT-UZUMSANOAT	МЧЖ	205299884	14.12.04	000690-03	19853981	10-0913/5159	14.04.09	С.Р.Абдураҳимов
5	VITALINI	ХФ	204741454	10.12.03	000088-03	19287599	10-0913/5160	14.04.09	Я.Раҳимов
6	TELEKOM ALEKS	МЧЖ	203440284	06.11.00	1717	17855711	10-0913/5161	14.04.09	С.Р.Абдураҳимов
7	RAVNAQ-KLASSIK	ХК	205750744	13.12.06	002255-03	20183072	10-0913/5162	14.04.09	Я.Раҳимов

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар йиғилиши 2009 йил 11 майда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 23-а уй, 607-хона.



ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ
беш босқичда ўтади



Ҳиндистонда парламент сайловлари давом этмоқда.

Парламентдаги 543 та ўрин учун асосан икки партия — Бирлашган тараққийпарварлар альянси ва Миллий демократик альянс ўртасида кураш боради. Бу курашда кичик партиялар ҳам иштирок этмоқда, аммо улар етарли даражада овоз олиши амримаҳол.

«France Presse» АА хабар қилишича, овоз бериш беш босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич 16 апрелда ўтказилди. Иккинчиси — 23 апрелда, учинчиси — 30 апрелда, тўртинчиси — 7 майда ва бешинчиси — 13 майда бўлиб ўтади. Сайлов натижалари эса 16 майда эълон қилинади.

714 миллион киши сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга. Ушбу жараённинг биринчи босқичида 143 миллион киши овоз берди.

Сайлов жараёни тинч ўтиши учун 2 миллиондан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жалб этилган.

БОШ ВАЗИР АЛМАШИШИ
оммавий тартибсизликларга сабаб бўлди

Венгрия пойтахти Будапештда янги бош вазир сайланишига қарши уюштирилган норозилик намойиши оммавий тартибсизликка айланиб кетди. Натижада 11 нафар намойишчи, 19 нафар полиция ходими жабр кўрди.

«BBC News» хабар беришича, намойишчилар полиция сафини ёриб ўтишга ва парламент биносига киришга уринганлар.

Маълумотларга қараганда, 5 мингга яқин киши норозилик намойишида иштирок этган. Тўқнашувдан сўнг 13 киши полиция томонидан қўлга олинди.

«Новости» АА маълумот тарқатишича, Венгриянинг собиқ иқтисодиёт вазири, ҳукмрон Социалистик партия вакили Гордон Байнаи бош вазир этиб сайланди. Унинг номзодини қўллаб-қувватлаб парламентнинг 386 нафар депутатидан 204 нафари овоз берган.

Аввалги бош вазир, Социалистик партия вакили Ференц Дюрчан 21 март куни истеъфога чиққан. Сабаб: иқтисодий-молиявий инқироз шароитида у бошқараётган ҳукумат фаолиятидан халқ норози эди. Дюрчан 2004 йили бош вазирлик лавозимини эгаллаганди.

Венгрия мухолифатчилари эса яна ҳукмрон Социалистик партиядан бош вазир сайланишига қарши чиқмоқда. Улар парламент тарқатиб юборилишини талаб қилмоқда.

ОРТИҚЧА ВАЗНЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР
ортиқча пул тўлайди

Американинг «United Airlines» авиакомпанияси раҳбарияти шундай қарорга келди.

Эндиликда ортиқча вазнли йўловчилар 2 та чиптанинг пулини тўлайдилар, лекин 1 та ўриндиқни эгаллайдилар. Мабодо, самолёт бортида бўш ўринлар кўп бўлсагина 2 та ўриндикда ястаниб олишга рухсат берилади. Аммо самолётда 1 та бўш ўрин қолган бўлса, бундай «йўғон» йўловчига патта сотилмайди, кейинги рейс таклиф этилади.

«Reuters» АА маълум қилишича, бундай чоралар «Continental», «Delta», «JetBlue» ва «Southwest» авиакомпанияларида ҳам жорий этилди.

КАНАГА ҚАРШИ КУРАШ

Мамлакат табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси Виржиния штатининг Арлингтон шаҳрида АҚШ тарихида биринчи марта каналарга қарши курашнинг янги усулларига бағишлаб саммит ўтказилди.

Табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларига қараганда, айни дамда АҚШда каналар кўпайиши энг юқори даражага етган. Бу эса турли эпидемиялар хуружига сабаб бўлмоқда. Унга самарали қарши кураш усули — пестициддан фойдаланиш эса АҚШда тақиқланади.

Ҳозир талабалар ётоқхоналари, меҳмонхоналар, уйлар у ёқда турсин, ҳатто шифохоналарда ҳам каналарнинг кўплаб учраши фуқаролар норозилигини келтириб чиқармоқда. Бу муаммога қарши курашнинг самарали чораси йўқлиги эса мутасаддиларни саммит ўтказишга мажбур этди.

ТИББИЙ ХОДИМЛАР ОРАСИДА
семизликка қарши кураш бошланди

Буюк Британия Соғлиқни сақлаш миллий хизмати соҳа ходимлари орасида семизликка қарши кураш бошлади. Бунинг учун махсус дастур ишлаб чиқилди.

Йиллик ҳисоботда келтирилган маълумотларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган 1,2 миллион нафар ходимнинг тенг ярми бугунги кунда ортиқча вазнга эга, 300 минги эса семизлик «касали»га гирифтор бўлган.

Ортиқча вазнга қарши кураш чоралари натижаси қандай бўлаётганидан хабардор бўлиб туриш учун Соғлиқни сақлаш миллий хизмати ҳар йили 40 ёшдан 74 ёшгача бўлган ходимларини тарозида ўлчаш тадбирини йўлга қўймоқда. Бу олиб борилаётган ишлар самараси қандай бўлаётганини таҳлил қилишга имкон беради.

Дастур биринчи галда беморлар билан бевосита алоқада бўладиган ҳамширалар, акушерлар, патронаж хизмати ходимлари орасида амалиётга жорий этилади.

❖ Баркамол авлод орзуси

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Яқинда бир гуруҳ меҳмонлар билан Боёвут туманига йўлимиз тушди. Бу ердаги таълим масканларидан бирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида болалар ҳуқуқи ва ҳуқуқий тарбия масалаларига бағишлаб тадбир ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова учрашувни жонли мулоқот тарзида ўтказиш мақсадида болаларга савол билан мурожаат қилди:

— Биласизми, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» қачон, қайси ташкилот томонидан қабул қилинган?

Бирин-кетин ўнлаб қўллар кўтарилди. Бийрон қизча рухсат олгач, бироз ҳаяжонда сўзларини донадона териб жавоб берди:

— «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган.

— Бу ҳужжатга кўра инсоннинг қандай ҳуқуқлари эътироф этилиши керак? — дея навбатдаги саволни ўртага ташлади депутат.

— Яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик!

— Қонун олдида ҳамманинг тенглиги!

— Фикр, виждон ва дин эркинлиги!

— Сайлаш-сайланиш!

— Дам олиш!..

Учрашув алоҳида тайёргарликсиз ташкил қилинганлиги туфайли ўқувчилар билими ва дунёқараши анча кенглигига қойил қоласан киши. Лекин бу ҳолни ҳайратланарли ҳам деб бўлмайди. Негаки, бугунги мактаб, лицей, коллеж ёки олий ўқув юрти талабаси аввалги даврлардагидан ер билан осмонча фарқ қилади.

Тадбир давомида менинг хаёлларим беихтиёр узоқ эллигинчи йиллар адоғида сайр эта бошлади...



Мактабга боришимни онам иккаламиз роса интиқ кутгандик. Қўшнимиз Норгул янга уйимизга чиқиб, менга қора ласдан янги шалвар, майда гулли сариқ сатиндан чиройли жилд тикиб берганди.

Бир қаватли, хом ғиштли бинодан иборат мактаб, ўқитувчилар хонасига туташ узун коридор, мўъжазгина синф хонаси. Бир хил — қора тусдаги синф лавҳа тахтаси, парталар. Ўқийдиган мактабимизнинг асосий «бойлиги» шулар эди. Бу кўримсиз, пастқам бинодан яқин пайтгача мактабнинг ёрдамчи хўжалик биноси сифатида фойдаланиб келинди. Бултур уни бузиб, текислаб ҳашпаш дегунча эски мактаб ўрнида муҳташам замонавий спорт саройи қад кўтарди. Кенг, баланд ва ёруғ кошона ичида спортнинг баскетбол, волейбол, мини-футбол, енгил атлетика ва бошқа ўнлаб турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Иситиш тизими ишлаб турибди. Оёқ остида хориждан келтирилган тўшамалар ярқиллаб кўзни олади.

Бугунги ўқувчи кўп нарсани билиши шарт ва зарур. Бунинг учун ҳамма имконият муҳайё. Бюджет томонидан ижтимоий масалаларга ажратилган маблағнинг катта қисми халқ таълимига сарфланади. Болалар келажагига ғамхўрликни ҳис қилиш учун бундан ортиқ яна қандай далил керак?!

Биргина Сирдарё вилоятида 2008 йил мобайнида таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, зарур коммуникация тизимлари билан жиҳозлаш учун 20,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. 2 та янги мактаб қурилди, мактабларнинг 20 таси мукаммал реконструкция қилинди, 11 минг ўқувчи таълим олаётган 23 та мактаб мукаммал таъмирланди, 55 та мактабга эса мебель, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлар ва спорт анжомлари олиб берилди.

Айни вақтда мавжуд 303 та умумтаълим мактаби, 192 та мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг барчаси ё янги қурилган, ёки тўла реконструкция қилинган. Вилоят шаҳар ва туманларида 13 та ихтисослашган иқтидорли болалар мактаблари ва мактаб-интернатлари ташкил этилди. Мустақиллик йилларида 1 та университет, 44 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей ташкил этилди.

Бу ишларнинг натижаси ҳақида мисол излаб узоққа боришга ҳожат йўқ. Ҳамкасбим Холидахон Пардабоеванинг ўғли Умиджон Абдуллаев бундан бир неча йил илгари халқаро грант асосида Ҳиндистонга, Махиндра тил ва санъат коллежига ўқишга қабул қилинган эди. Коллежни аъло баҳолар билан тугатган Умиджон яна халқаро танловда иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратини намойиш эта олди ва бу гал Канаданинг Эдмонтон шаҳридаги Альберто номидаги нуфузли университетга ўқишга қабул қилинди. Ҳозир у архитектура ва дизайн мутахассислиги бўйича университетнинг охирги босқичида таълим олмоқда.

Ўн уч ёшида ажойиб натижалари билан шоҳмот мухлисларини лол қолдирган боёвутлик Сарвиноз Қурбонбоевани олайлик. Ҳамма қатори қишлоқ мактабида таҳсил олган оддий ўзбек қизининг тенгдошлари ичида мамлакат чемпиони бўлгани, бу йил Ҳиндистонда ўтказилган нуфузли халқаро турнирда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилгани тасодифий ҳол деб ўйлайсизми? Гулистон туманидан ёш каратэчи Мирза Шодмонқулов, ховослик белбоғли кураш устаси Бахтиёр Ҳамроев, сайхунободлик шашка бўйича Осиё чемпиони Санжар Раҳимовнинг халқаро майдонлардаги ютуқлари-чи? Ҳали мактаб партасини тарк этмай туриб шундай катта натижаларни қўлга киритган ҳамқишлоқларимиз билан фахрланмай бўладими!

Яна ўз болалигимни эслайман, таққослайман... Лекин бу — армон эмас, ҳавас. Бинобарин, бугун таълим олиш учун яратилаётган ажойиб шароитлар ўғил-қизларимиз, набираларимиз учундир. Улар бизнинг умидимиз, келажагимиз!

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИФТИХОР

БОБУР

Тоза дилга ўз бўлди,
Тошдилга ўзга Бобур.
Гоҳ тўкилди, гоҳ тўлди,
Қолди не сўзга Бобур.

Ворислик шул шоҳ бўлди,
Ҳақ йўлинда оҳ бўлди.
Киргунча ўн иккидан,
Беш карра юзга Бобур.

Ҳушбоғ бўлди қайдлари,
Ашъорлари, байтлари.
Маст этди мисли гулоб,
Чалиб сибизга Бобур.

Сўз — гурлаган аланга,
Тафт тарқалди оламга.
Дарёлик туҳфа этди,
Неча тош, музга Бобур.

Назмин қучди шашмақом,
«Бобурнома» хуш калом.
Ўйди сийрат сувратин,
Мангулик изга Бобур.

Унинг ҳиндда тик туғи,
Лек руҳда соғинч чўғи.
О ... Андижон... деб босди,
Манглайин тузга Бобур.

Кўнгил ўзни ишққа бур,
Бўлсанг тоза, бўлсанг ҳур.
Тиззалаб ўп, гардин сур,
Тутиё кўзга Бобур.

Гумроҳликка чизиқ торт,
Мудроқ қавмни уйғот.
Ўқи, ўрган, ёд ол, ёд,
Илдиздир бизга Бобур.

Замира РЎЗИЕВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 01.15
8
Sotuvda erkin narxda

СПОРТ

Шу кунларда пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича FILAнинг Golden Grand Prix туркумидаги «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» халқаро турнири ўтказилмоқда. Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи мазкур мусобақага Россия, Украина, Марокаш, Жанубий Корея, Япония, Грузия, Ҳиндистон, Эрон сингари давлатлардан кучли курашчилар келишган. Етти вазн тоифасида ўтказилаётган беллашувларнинг дастлабки икки кунида юнон-рум кураши усталари ғолиблик учун гиламга чиқишди.

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУБОГИ»:

КАШФИЁТЛАР МАЙДОНИ



Комил Фатхуллин бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси муросасиз кечган учрашувларда 25 нафар спортчини мусобақа рўйхатига киритганди. Қувонарлиси, дастлабки куни 55 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан вакилларимиз Элдор Ҳафизов ҳамда Санжар Жумашев мутахассислар ишончини оқлашди. Барча рақибларини мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз финалда ўзаро рўбарў келдилар. Ҳал қилувчи баҳсда тажриба барибир ўз сўзини айтди. Осиё чемпиони ва қатор халқаро турнирлар ғолиби, Пекин олимпиадаси иштирокчиси Элдор Ҳафизов катта устунлик билан ғалаба қозониб, олтин медаль билан тақдирланди. Санжар Жумашевга эса турнирнинг кумуш медали насиб этди.

Мураббийлар 66 кг. вазн тоифасида бир йўла тўрт нафар курашчимиз маҳоратини синовдан ўтказишга қарор қилишди. Улардан, айниқса, халқаро тоифадаги спорт усталари, таниқли курашчилар Дилшод Орипов ҳамда Равшан Рўзиқуловлардан умид катта эди. Аммо беллашувлар якунида улар билан бир қаторда гиламга чиққан умидли курашчиларимиз Равшан Одилов, Всеволод Михайловскийдан ҳам омад юз ўгирди.

Шунга қарамай, турнирнинг илк кунида бошқа вазн тоифаларида вакилларимиздан Владимир Гегешидзе (84 кг.) кумуш, Суҳбат Хўжаев (120 кг.) бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Юнон-рум кураши бўйича қолган (60, 74, 96 кг.) вазн тоифасидаги ғолиб ва совриндорлар номи беллашувларнинг иккинчи кунида аниқланди. Жумладан, иқтидорли спортчимиз, Осиё чемпионати совриндори ва халқаро турнирлар ғолиби Жаҳонгир Мўминов (74 кг.) мухлислар олқишига сазовор бўлди. Финалгача барча рақибларини енгган ҳамюртимиз ҳал қилувчи баҳсда украиналик рақибини чиройли тарзда мағлубиятга учратиб, терма жамоамиз жамғармасига иккинчи олтин медални туҳфа қилди.

— Ўзбекистон — чинакам полвонлар юрти, — дейди FILA президенти Рафаэль Мартинетти. — Бугун дунё миқёсида ўтказилаётган халқаро турнир, чемпионат ва олимпиадаларда ўзбек курашчилари шоҳсупадан муносиб жой олаётганликлари ҳам фикримнинг тасдиғидир. Тошкентда ўтаётган бу нуфузли мусобақа кўплаб иқтидорли ёшларни кашф қилади. Шуни алоҳида таъкидлашни истардим, Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига саралаш турнирлари 2011 йили бўлиб ўтади. Гран-при туркумидаги ана шундай турнирга ҳозир ўн битта давлат вакиллари даъвогарлик қилаётир. Улар орасида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги қувонарлидир. Бундай нуфузли турнирларни ўтказиш борасида эса юртингизда жуда катта тажриба тўпланган. Ишонаманки, Тошкент нафақат Гран-при туркумидаги баҳсларни, балки Осиё ва жаҳон чемпионатларини ҳам ўтказишга муносибдир.

Кеча эркин кураш беллашувлари бошланди. Нурлан Жаксиликов бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз эркин кураш терма жамоаси таркибидан 22 нафар спортчи жой олган. Эътиборли томони, 55 кг. вазн тоифасида бир неча карра қитъа ва жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Дилшод Мансуров бу йилги баҳслардан бошлаб 60 кг вазн тоифасида гиламга чиқмоқда.

Бугун эркин кураш беллашувлари давом эттирилади. Унда 66, 74, 96 кг. вазн тоифаларида ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

«УМР ҲИКМАТИ... САОДАТИ»

Дунёда китоб кўп, ўқувчисини топган, тополмаган. Ўқиладиган ўқилмайдиган. Ўқилганда ҳам ўқилмайдиган. Катта тоқат билан, тишни-тишга қўйиб, ўқиб чиқасизу «йилт» этган фикр тополмайсиз. Увол бўлган қоғозга ачинасиз, вақтингиз бекор кетганига афсус қиласиз...

Шундай китоблар борки, илк саҳифалариданоқ «боғланиб» қоласиз, бош кўтаролмайсиз. Ҳаяжонда асар қаҳрамонлари ҳаётига, турфа хаёллар уммонига сингиб кетасиз. Онгу шуурингиз тиниқлашади, қалбингиз баҳра олади. Ҳаёт ҳақида, умр ҳикмати ҳақида ўйга толасиз, нималарнидир янада теранроқ англайдиган бўласиз.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган **«Умр ҳикмати... саодати»** ана шундай китоблардан десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Муаллиф Обиддин Маҳмудов китоб сўз бошида шундай ёзади: «Ўзини англаган одам учун бу олам мўъжиза ва ибратлардан иборат. Чунки, **одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати — ибрат, фарзанд билан ота-она ўртасидаги ришталар — ибрат, айниқса, унинг эътиқодию камолот сари интилиши алоҳида ибрат».**

Китобни ўқиган киши ана шундай ҳикматлар оғушига шўнғийди, инсон ҳаёти, умр мазмуни ҳақида ўйлайди...

ЗИЁ МАСКАНИ

Қоровулбозордаги нефтчилар шаҳарчаси ҳуснига ярашган Маданият саройи ёшларнинг севимли масканига айланганига анча бўлди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи кўмагида қад ростлаган бу замонавий маданият масканидан корхона тарихидан сўзловчи музей, 400 томошабинга мўлжалланган концерт зали, кутубхона ўрин олган.

— Биргина бу эмас, — дейди маданият саройи директори Саодат Тошева. — Бу ерда тўқизта тўгарак машғулотлар ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Корхонада ишловчи, яқин-атрофимизда яшовчи, жами 230 нафар қиз-жувонга тикувчилик, зардўзлик, миллий қўшиқчилик, рақс санъати сирлари ўргатилиб, компьютердан сабоқ берилмоқда.

Маданият кошонасида атоқли санъаткорлар, таниқли спортчилар билан ҳам тез-тез учрашувлар ташкил этиляпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Бу ажиб дунё

ИГНА ТЕШИГИДАГИ... ҲАҚИҚАТ

Қадим замонлардан қолган қизиқ ҳикоят бор. Эмишки, Хивада уюштирилган сайилларда полвонлар бел олишган, чавандозлар от суришган. Ким қўчқор, ким дакан хўроз уриштирган. Дорбоз дорда, қизиқчи бўёқли ниқобда, қисқаси, ажабтовур томоша.

Яна тағин сайилларда одамлар ўз иқтидорини ҳам кўз-кўз қилишган. Қайсидир сайилда бир мерган уч юз қадамдан камон ўқи билан носқовоқни қоқ иккига бўлган. Эвазига мерганга заррин тўн кийгизиш буюрилган. Яна бир эпчили нортуя устидан сакраб ўтган. Унга-да заррин тўн. Оломон олқишлари.

Бир киши ўз маҳоратини кўрсатмоқчи бўлади. Ерда ётган ходага игнани санчади-ю беш қадам орқага босади ва нозик ипнинг учини, ингичкалаб бир зарб билан отиб, уни игна тешигидан ўтказиб, шу ерда турган пўстиндўзга «Мана уста, тикаверинг!» деб узатади. Ҳамма олқишлайди. Унга-да заррин тўн кийгизадилар. Бургуткўз моҳир эгилиб қуллуқ қиладиган. Шу пайт даврабоши томонидан ўткир кўз қирқ дарра урилади.

Томошага йиғилганлар буни шундай ифодалайди: «У жуда ҳам моҳир. Аммо шундай ўткир нигоҳини кераксиз ишга сарф қилиб юрибди. Юртда эллик пўстиндўз бор. Игнадан ип ўтказишга ўзларининг фаҳми, лаёқати етади...»

Халқимизнинг бу ҳикоятида одамларга нафинг тегсин. Бирор касб-ҳунар билан шуғуллан, арзимас эрмакларга вақтингни сарфлама деган ҳаёт ҳақиқати мужассамлашган.

Ҳозирда ойнаи жаҳонда кўплаб бериладиган «Ғиннеснинг рекордлар китоби»га кириш учун қилинадиган айрим қиликлар кишига юқоридаги воқеани эслатади.

Ҳозир гап бу ҳақда эмас.

...Янгиариқ туманидаги қадим Ожжиқуйи қишлоғида ўтган асрда Ниёзжон момо отлиқ бир табаррук онахон яшаган. Момо бир юз бир йил умр кўрган. «Шу ёшида ҳам ғоят чаққон эди, — деб хотирлайди унинг невараси Қаландар Самандаров. — Аммо кўзлари хира тортганди. Умр бўйи чеварликда нўм чиқарган момомиз умрининг охиригача қўлларидан игна-ипни қўймади. Аммо, бу ёшида игнага ип ўтказиб бер деб невараларига гап солмасди — ўзлари ўтказарди. Қандай қилиб денг? Лаблари ва тиши ёрдамида бир неча ҳаракат билан ўтказардиқўярди».

Бу сир момонинг ўзи билан кетган. Ушбу антиқа ҳаракатни фарзандлари-ю, неваралари ва ҳатто қишлоқ аҳли кўпи такрорлашга уринган. Бефойда.

Бу ҳам бир синоат. Инсон қобилиятининг ноёб кўриниши.

Аслида игнага ип ўтказиш матали бизда кўп нарсага қиёсланади. Ҳатто, негадир «Бу сизга игнага ип ўтказишдек осон эмас» деган матал ҳам бор. Ишнинг осон битишига ишора. Аслида бу биз ўйлаганчалик осон, сип-силлиқ битадиган юмуш эмас. Айниқса, ёш дегани сал нарироқ бориб қолган бўлса.

Яна руҳшунослар инсон организмининг қуввати, кўзнинг нурини айнан игнага ип ўтказиш воситасида аниқлаш мумкин, деган хулосага келишган. Энди бу синов ёшлар, ўрта яшар кишилар, яна тағин кўзи соғлом кишиларга алоқасиз. Аммо, ёшингиз олтмишдан ошган бир вақтда асқотади. Яъни бу усул билан сиз кўзингиз равшанлигини билиб оласиз. Фақат кўз ўткирлигини эмас, жисмингиз қай даражада соғломлигини ҳам. Тажриба қилиб кўринг. Майда кўзли игнани олинг. Ипни ҳозирланг. Кейин уни имкон қадар бир ҳаракатда игна тешигидан ўтказишга урининг кўринг. Ўтказдингизми? Демак, сиз ҳали ҳар томонлама соғломсиз. Ўтказаётганда кўзингиз чалғидими, бир ип икки бўлиб кўриндими? Демак, кўзингиз нури кета бошлаган. Энг асосийси — кўзингиз тиниқ кўраяпти, аммо игна-ю ипни ушлаган қўлингиз панд беради — бармоқларингиз қалтирайди, нишонни тўғри ололмайсиз. Демак, соғлиғингиздан путур кетаяпти, яхшиси дўхтирларга бир кўриниш бериб қўйинг.

Игна тешигидан туядек совуқ киради, дейди қариялар қиш оқшомларида дераза ёриқларидан уриб турган совуқ ҳавога ишора қилиб. Ҳайрон қоласиз — игна тешиги қайда-ю туя қайда?! Аммо, бу мутлақ ҳақиқат.

Игна тешигидаги... ҳақиқат. Сиз-у биз майда деб ўйлаган нарсанинг йирик оқибатлари бўлиши ҳақидаги ҳаёт фалсафаси бу.

Рўзимбой ҲАСАН